БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 180 (4279)
8 АВГУСТ 1980 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Метро: янги участка ишга туширилиши олдидан

Тошкент метроси иккинчи участкаси меҳнаткашларидан уч юз киши поездлар қатновига тахт қилиб қўйдик, деб доклад қилдилар. Шу участкадан илк пассажир поездлари қатнай бошлайди. Метрополитен коллективида ўз кучлари билан қисқа фурсатда тайёрланган янги ишчилар отряди қўшилмоқда.

Метро биринчи линияси ишга туширилганида унинг кадрлари Москва, Ленинград, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ўқиб қайтишганди. Эндиликда республика пойтахтида ўзининг техника мактаби бор — унда ёшлар магистралларга хизмат қилиш учун зарур ҳамма касбларни ўзлаштирмоқдалар. Бу ерда станция навбатчилари, автоконтроль пунктларининг операторлари ва контролёрлари, слесарлар, монтёрлар ва электромеханиклар ишчи фани курсини ўзлаштирдилар.

Шунингдек ўттизта машинист тайёрлаб чиқарилди. Аввал уларнинг ҳаммаси машинист ёрдамчилари эди. Тошкент метросида тезликни автомат тарзда созлаш системаси жорий этилиши натижасида шунча кишининг қўли бўшади.

Кейинги ойларда бўлгани сингари шу ишга тушириш арафасида Ҳамид Олимжон номли, Пушкин номли ва Горький номли станцияларнинг ходимлари иш ўринларида туришибди. Машина-ускуналар ростланмоқда, станцияларнинг безакларидаги сўнгги ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Техника мактаби, метрополитен оталиққа олган 170-ҳунар-техника билим юртидаги машғулотлар давом эттирилмоқда.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Мусобақа байроғини баланд кўтарайлик

Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида

ИШЧИ СУЛОЛАСИДАН

Қобилжон Ҳасановнинг номини комбинатда яхши билишади. Мастер ёрдамчисининг меҳнатга муносабати онаси — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марҳамат Йўлдошеванинг меҳнатга муносабатига ўхшайди. 2-фабрика йигирув цехининг кард бўлимида билими, маҳорати, тажрибаси жиҳатидан Қобилжон билан тенглаша оладиган ишчини топиш қийин. БД—200 маркали урчуқсиз йигириш машинаси энг янги йигириш ускунаси ҳисобланади. Уни обкаткадан чиқариш, лойиҳадаги унумдорлигига етказиш вазифасини бажариш учун одам қидирилганда, кўпчилик Қ. Ҳасановнинг номини тилга олди.

Ўшанда, 1977 йилнинг ноябрида цехда ҳамма янги ускуна ишончли қўлларда эканлигини англаган эди. Мастер ёрдамчиси бу ускунани тез ўрганиб олди ва билганларини бошқаларга ҳам ўргатди. Қобилжон ўшанда ўз кучи ва имкониятларига ишонармиди ёки йўқми, кўпчиликка номаълум эди. Чунки ҳали кўп нарсани қайта ўрганиш керак эди. Бу эса бошқа янги нарсани ўрганишдан мураккабдир. Бой ишлаб чиқариш тажрибаси бу ерда халақит беради. Чунки 15 йиллик иш тажрибаси мобайнида маълум кўникмалар ҳосил бўлган, уни ўзгартириш осон эмас.

Қ. Ҳасановда эҳтимол маълум бир иккиланишлар бўлгандир., Лекин уни ҳеч ким билмади. Йигит янги машинани қисқа муддатда ўзлаштирди. Бир оз вақт ўтгач, мастер ёрдамчиси 25 машинага ёки типовой нормадан 11 та кўп машинага хизмат қила бошлади. Яна, эски ускунада ишлагандаги сингари Қобилжоннинг номи социалистик мусобақа ғолиблари, ўз касби усталари номи қаторида пайдо бўла бошлади. У бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси фабрикадаги бригадалараро мусобақа ғолиби бўлди.

Шогирдлар тарбиялаш чинакам ишчи учун қувончлидир. Қ. Ҳасанов бунда ўзининг коммунистик бурчини ҳам кўради. Кўпгина собиқ шогирдлар Қобилжон билан бирга меҳнат қилади. Кўплари ҳозир устозларидан қолишмайди. Айниқса, Юсуф Абдурасулов бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси барчага намуна бўляпти.

Яқинда цехга Валерий Асташев келди. Йигитнинг омади бор экан. Унга ўз касбининг чинакам устаси, сезгир, эътиборли Қобилжон Ҳасанов устозлик қила бошлади.

Айни шу коллектив корхонада қимматли ташаббус бошлади. Тўқимачиларга беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажаришни таклиф этди. Бу фақат мастер ёрдамчиси Қ. Ҳасановнинг бригадасига КПСС XXVI съездига қадар топшириққа қўшимча 15 тонна йигирилган ип бериш имконини беради.

Қимматли ташаббус ўз издошларини топаяпти.

Н. НОЧЕВА,
тўқимачилик комбинати йигирув цехи бошлиғи вазифасини бажарувчи.

* * *

СУРАТДА: кўп станокчи йигирувчи Шоира Мавлонова хотиржам бўлса бўлади. Қ. Ҳасанов созлаган ускуналар худди соатдай аниқ юради. Қобилжоннинг яқинда бўлиб ўтган машиналарнинг техник ҳолати кўриги ғолиби бўлганн бежиз эмас.

Ю. Адоньев фотоси.

Раҳим Йўлдошев Тошкент трактор заводининг 1-механика цехида кўп йиллардан бери токарь бўлиб ишлаяпти. Ёш ишчиларнинг дўсти ва устози бўлган бу ишчининг ҳалол меҳнатлари юқори баҳоланди. У Ленин ордени билан мукофотланган. Ҳозир Раҳим ака комплекслашган бригадага бошчилик қиляпти. Бригада аъзолари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун ҳар вақтдагидан зўр меҳнат қилишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Т. Живков КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан 6 август куни қисқа муддатли дам олиш учун Совет Иттифоқига келди.

✦ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий Кенгашининг Бош секретари Чандра Ражешвара Рао 7 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбат вақтида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Г. Анисимкин ва О. У. Салимов меҳмонга республика ҳаёти тўғрисида сўзлаб бердилар.

Ч. Ражешвара Рао шу куни В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрди. Тошкентнинг янги қурилишлари ва диққатга сазовор жойларини ҳам кўздан кечирди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Бозорларда намунали тартиб бўлсин

Шаҳар бозорларига ҳар куни ўн минглаб тошкентликлар, пойтахт меҳмонлари кириб ўтишади. Шу боисдан бу ерда тозалик ва тартибни сақлаш жуда муҳим. Бироқ, бу масалага ҳамма жойда ҳам етарлича эътибор берилляпти деб бўлмайди.

Санитария ободончилиги бўйича шаҳар штабининг мажлисида Первомайск колхоз бозори раҳбарлари жиддий танқид қилинди. Утказилган текширишдан маълум бўлдики, пештахталар ифлос бўлиб кетган, бозор саҳни ўнқир-чўнқир, гўшт павильони яхши тозаланмайди. Чиқиндилар ўз вақтида ташиб кетилмайди, контейнерлар тўлиб кетган. Антисанитария ҳолатига йўл қўйганлиги учун бозор директори вазифасини бажарувчи А. Нагиевга виговор берилди.

Октябрь бозорида ҳам катта нуқсонлар бор. Шаҳар санитария-эпидемиология станцияси врачлари бу ерда санитария қоидаларининг жиддий бузилишларини аниқладилар. Кўпгина бозорчилар қишлоқ хўжалик махсулотларини ерга қўйиб сотишяпти, махсус кийим билан ҳамма колхозчилар таъминланмаган, пештахталардаги клеёнкалар йиртиқ. Бозор ходимлари ахлат йиғиладиган майдончани ўз вақтида ювишмайди, территория ремонтга муҳтож. Санитария хизмати дирекциядан тартиб ўрнатишни қайта-қайта талаб қилган, бироқ бундан натижа чиқмаяпти. Шаҳар штаби бозорлар бошқармаси бошлиғи Б. Кодзоқхоновга антисанитария айбдорларига нисбатан қатъий чоралар кўришни таклиф этди.

Шаҳар штаби мажлисида ирригация тармоқлари ва кўп қаватли уйларнинг ертўлаларини сақлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Тошкент театри — Иркутскда

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Яқинда Иркутск музикали комедия театрининг гастроллари Тошкент саҳнасида катта муваффақият билан ўтди. Меҳмонлар ўзларининг етук санъатини шаҳримиз томошабинларига маҳорат билан манзур қилишди.

Шундан кейин жавоб сафари навбати Тошкентдаги Горький номли рус академик театри коллективига берилди. Бу санъат даргоҳининг ижодкор аҳли Иркутскда музикали драма ва комедия театрлари саҳнасида бир йўла кунига иккитадан спектакль намойиш қилмоқда. Шу муносабат билан театр директори, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Сара Рувимовна Лейкина бундай деди.

— Биз тошкентлик санъаткорларни Иркутск шаҳрида самимий кутиб олишди. Сибирнинг йирик шаҳарларидан бири бўлган Иркутск аҳоли кўп яшайдиган, саноат ва маданият кенг тараққий этган шаҳар. Тошкентлик санъаткорлар учун бир йўла иккита театр саҳнаси бўшатиб берилди.

Сибирь томошабинлари ўзбек адиби Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» асарини катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Бундан ташқари театримиз репертуаридаги «Қирғоқ», «Аэропорт», «Қутурган пуллар», «Жабрли уйинлар», «Биз қуйида имзоловчилар», «Тунги саросималик», «Уч тийинлик опера» каби 18 та саҳна асари кўрсатиляпти.

Гастролда театр бош режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти О. А. Чернова, СССР халқ артисти М. Мансуров, РСФСР халқ артисти В. Салопов, РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Отович, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Н. Хачатуров, Г. Ефремова, республикада хизмат кўрсатган артистлар В. Русинов, В. Филатова, Н. Сундукова, Н. Мягкова ва бошқалар қатнашмоқдалар. Улар иштирок этган спектакллар ва ижро этган ролларни томошабинлар самимий олқишламоқдалар.

Горький театри Иркутскда бир ой гастролда бўлгач, Ангарскка ҳам 15 кунлик сафар билан бориши мўлжалланган.

Театр коллективи гастролда маҳоратини намойиш қилибгина қолмай, балки Сибирнинг машҳур қурилишлари, корхоналари билан яқиндан танишади ва ишчилар билан қатор дўстлик учрашувларини ўтказади.

М. РАҲИМОВА.

ШАҲРИМ — ФАХРИМ

ОБОДОНЧИЛАР ҲИССАСИ

Ҳадемай, Тошкент метросининг иккинчи навбати ишга туширилади. Ҳозир ирригация ва гидротехника иншоотлари трестининг ирригация бўйича 1, 2-ремонт қурилиш бошқармаси ва ободонлаштириш бўйича 1-ремонт қурилиш бошқармаси ишчилари Ҳамид Олимжон, Пушкин ва Максим Горький номли метро станциялари атрофини ободонлаштириб, янги ирригация шохобчалари ўрнатишмоқда.

Студентлар шаҳарчасида барпо қилинаётган янги хиёбонни ободонлаштириш ишлари ҳам бажарилмоқда. Бу ерда «Тошкент Давлат университетининг 60 йиллиги» номли янги хиёбон бунёд этилиб, 1500 метрдан ортиқ ерга чим ётқизилади.

1-ремонт қурилиш бошқармасининг бир группа ишчилари эса Халқлар дўстлиги майдони комплекси қурилишида иш олиб боришмоқда. Ўзбекистон кўчасининг Бўзсув канали орқали Халқлар дўстлиги майдонигача бўлган масофадаги ариқчаларни ремонт қилиб, янги ирригация шохобчалари ва жуда кўплаб пуркагич фонтанлар ўрнатилмоқда.

СТУДЕНТЛАР ХИЁБОНИ

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети ташкил топган куннинг 60 йиллигига қизғин тайёргарлик кўриляпти.

Бугунги кунда Студентлар шаҳарчасида университет юбилейига муносиб туҳфа — 6 гектар майдонни эгалловчи хиёбон барпо этиляпти. Шу йилнинг баҳорида хиёбонга ва унинг теварак атрофига 1500 туп гул, 400 туп чинор ва дуб, 200 туп тоқ, 100 тупга яқин акация, мажнунтол ва бошқа кўплаб мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. 1500 квадрат метр жойга чим ётқизилиб, 3300 квадрат метр майдон текисланди.

Шу кунларда студентлар хиёбони атрофларини ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Бугун «Гордорстройремонт» трестига қарашли 4-ремонт қурилиш бошқармасининг С. Умаров ва А. Турдиқулов бошчилигидаги бригадалари коллективлари 8000 квадрат метр жойни асфальтлаш ишларини тугаллашди.

А. ТЎРАҚУЛОВ.

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ХРОНИКА

⊙ Планга қўшимча йигирилган ип — 3-йигирув ишлаб чиқариши ишчилари ва бригадалари шундай шиор остида ишлашяпти. Съезд олди зарбдор вахтасида бу ерда Л. Безуглая катта муваффақиятга эришди. Илғор йигирувчининг шахсий ҳисобида 2,5 тонна планга қўшимча ишлаб чиқарилган юқори сифатли маҳсулот бор. В. Комарова планга қўшимча 1,9 минг килограмм йигирилган ип берди. Н. Горькова, М. Громцева, М. Ханянова топшириққа қўшимча бир тоннадан ортиқ йигирилган ип беришди.

⊙ Меҳнат шароити яхшиланмоқда— корхонада амалга оширилаётган ташкилий-техник тадбирлар натижаси ана шунга олиб келяпти. Масалан, 2-йигирув ишлаб чиқаришида кучли тортиш вентиляциясини жорий этиш, пардозлаш цехидаги вентиляция системаси, 2-тўқимачилик фабрикасида тараш машиналаридан чиқаётган чангларни пневматик йўл билан ҳайдаш системаси анча самара берди. 3-йигирув ишлаб чиқариши участкаларида меҳнат анча енгиллашди.

⊙ Тўқимачилик комбинати бош инженери В. В. Зиков Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти марказий кенгаши президиумининг «Ихтирочилик ва рационализаторликдаги актив фаолияти учун» фахрли нишонига сазовор бўлди. Корхона техника хизмати раҳбари— техника ижоди активистларидан бири фан-техника тараққиётини ривожлантиришда актив иштирок этади, корхонанинг илғор рационализатор ва ихтирочиларидандир.

⊙ Идеологик актив —пропагандистлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчиларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1979 — 80 ўқув йилида марксча-ленинча таълим системасида 1979—80 йилдаги ўқув йилига якун ясалди.

Ёдгорликлар ҳикояси

Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг коллективи Тошкент шаҳри ва пойтахт областининг тарихий ва революцион, жанговар ёдгорликларини ўрганиш ва тадқиқ этиш бўйича мажмуа устида бир неча йиллардан бери тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бу йил «Ўзбекистон» нашриётида ана шу ишнинг бир қисми бўлган «Тошкентнинг революцион ва жанговар ёдгорликлари» тўпламини нашрдан чиқарди.

Куни кеча музей ходимлари тайёрлаган «Тошкент областининг революцион ва жанговар ёдгорликлари тўплами» ҳам ана шу нашриётдан босмахонага топширилди.

БУГУН

республика Фанлар академияси «Фан» нашриёти эса шу коллектив меҳнатига мансуб бўлган «Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликлари тадқиқоти» тўпламини савдо ташкилотларига юборди.

Бу тўпламда республика ёдгорликлари ҳақида атрофлича гап боради.

Тўпламда тарих фанлари доктори Н. Содиқова, тарих фанлари кандидатлари О. Ризаев, Й. Пўлатов, Ҳ. Содиқов, Л. Лептеева каби олимларнинг нодир ёдгорликлар, ҳужжатлар асосида Ўзбекистоннинг бой маданий хазинаси ҳақида оммабоп тилда ҳикоя қилганлар. Тўплам рангли суратлар билан безатилган.

телетайп лентасидан

▲ **СОФИЯ.** Болгария мебель саноати ўз маҳсулотининг турини ҳар йили бешдан бирини янгилаб туради. Бу йил ётоқхона ва ошхона комплектларининг янги чиройли моделлари, «София» мебель секциялари унга қўшилди. Тармоқ корхоналари шу йилнинг ўзидагина ички бозорга мебелнинг 20 тадан кўпроқ янги моделини чиқаради.

Республиканинг баъзи шаҳарларида мебель сотадиган фирма магазинлари очилади. Софияда эса доимий мебель кўргазмаси ташкил этилади.

▲ **ВЕНА.** Ер юзидаги барча атом электр станцияларининг қуввати 1979 йилнинг охирида 120 минг мегаваттни ташкил этди. Жаҳонда ҳосил қилинган электр энергиянинг қарийб 8 проценти ана шу атом электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг (МАГАТЭ) бу ерда эълон қилинган 1979 йилги ҳисоботида шу маълумотлар келтирилади.

1985 йилга бориб, дейилади МАГАТЭнинг ҳисоботида, атом электр станцияларининг қуввати 200—350 минг мегаваттга етади, шу электр станциялар ишлаб чиқарадиган электр энергиянинг ҳиссаси умумий балансда 16 процентни ташкил этади. Ўшанча миқдордаги электр энергияни иссиқлик станцияларида ҳосил қилиш учун 400 миллион тонна нефть талаб қилинган бўлур эди.

▲ **ГАВАНА.** Гренада Бош министри Морис Бишоп саводсизликни тугатиш кампанияси қатнашчилари учун Сент-Жоржесда махсус курсларни очиш маросимида нутқ сўзлаб, Гренада халқига мустамлакачилик ўтмишидан мудҳиш мерос бўлиб қолган саводсизликни тугатиш муҳим эканлигини уқтириб ўтди. У барча гренадаликларни саводсизликни тугатиш кампаниясини қўллаб-қувватлашга, миллий экономикани ва революция ғалабаларини мустаҳкамлаш йўлида янада зўр ғайрат қилишга чақирди.

▲ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон хотин-қиз альпинистларининг биринчи экспедицияси Эверест тоғ чўққисига 1984 йилда чиқади. Ҳиндистон альпинистлар федерациясининг вице-президенти Мохан Кохли шуни маълум қилди. Эверестда, деб таъкидлади у, экспедиция учун ҳозирданоқ база ҳозирлаб қўйилди. М. Кохли 1965 йилда жаҳоннинг энг юксак чўққисини забт этган ҳинд группасига бошчилик қилган эди.

(ТАСС).

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Москва Олимпиада ўйинларига келган Франция туристларининг бир группаси Тошкент шаҳрида меҳмон бўлганидан кейин Бухорога жўнаб кетди.

Меҳмонлар республикамиз пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, маданият даргоҳларини кўздан кечирдилар, ўзбек спортчиларининг суҳбатини тингладилар. Уларга Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек давлат филармониясининг санъаткорлари концерт қўйиб беришди.

Бу саёҳатни Ўзбекистон туризм ва экскурсия бўйича республика Совети қошидаги Тошкент чет эл туризми бюроси ташкил этди. Янги тузилган бу бюро Олимпиада кунларида қизғин ишлади. У кўпгина мамлакатлардан келган меҳмонларга туризм хизматини кўрсатди.

●

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига қарашли «Илҳом» клубининг ташаббуси билан тузилган ижодкор ёшлар группаси Фарғона области бўйлаб ўтказилган кўчма йиғилишдан қайтиб келди.

Бу группада Ўзбекистон телевидениеси, Ўзбекистон телеграф агентлиги ижодкор ёшлари, шоирлар, композиторлар, артистлар қатнашдилар. Группа Фарғонада ижод қилаётган жуда кўп ёшларнинг ҳузурида бўлди, уларнинг ижодий ишлари билан яқиндан танишди ва методик ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари Фарғона шаҳрида «Илҳом» клубини ташкил этиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

●

республика табиат музейи илмий ходимларидан бир группаси Қашқадарё области бўйлаб ўтказилган сафардан қайтиб келди.

Тошкентлик мутахассислар колхоз ва совхозларда Ўзбекистоннинг табиий бойликлари ҳақида ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида лекциялар ўқишди.

«Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши», «В. И. Ленин ва Ўзбекистонда табиат муҳофазаси», «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш» сингари мавзуларда ўқилган лекциялар тингловчиларга манзур бўлди.

Лекциялар ва суҳбатлар давомида ходимлар илмий-оммабоп кинофильмларни ва кўчма кўргазмани намойиш этишди.

Бугун

«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг энг яхши тикувчи мотористкаси, социалистик мусобақа ғолиби Клавдия Николаевна Гладилина 1984 йилнинг май ойи ҳисобига меҳнат қилишга киришди.

Уттиз йилдан ортиқ меҳнат стажига эришган бу илғор чевар кундалик топшириқларни 210 процентдан адо этмоқда. Унинг шогирдлари Галина Жукова, Людмила Шеголкова ва бошқалар эса мураккаб меҳнат жараёнларни мустақил бажаришга эришдилар. Бир сўз билан айтганда шогирдлар мураббийга тенглашиб боришмоқда.

●

Сергели уй-жой массивида бири 120 квартирали ва яна бири 90 квартирали иккита тўққиз қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Бу биноларни Тошкентдаги 2-уйсозлик комбинатининг 27-қурилиш бошқармасидаги Раҳим Ниёзов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси бунёд этди. Пардозлаш ишларини эса ана шу комбинатнинг 25-бошқармаси бригадалари бажаришди.

Қурувчилар байрами куни арафасида ана шу биноларга ҳамшаҳарларимиз кўчиб кирадилар.

●

Ўзбекистон ССР давлат қурилиши комитетининг коллегияси «Узоргтехдорстрой» трестининг 13-йўл — қурилиш бошқармасини биринчи даражали диплом ва 700 сўм ҳажмида пул билан мукофотлади.

Қурувчилар Амударё — Пишпак — Урганч — Гурлан автомобиль йўлини реконструкция қилишда эришган муваффақиятлари учун шундай мукофотни олишга сазовор бўлди.

Бульдозер машинисти Р. Раҳимов, «Узоргтехдорстрой» трестининг йўл инженерлари Р. Нуриев, Л. Тен ва бошқалар лойиҳани ишлаб чиқишда ва реконструкция қилишдаги яхши кўрсаткичлари, ишни юксак сифатли қилиб бажарганликлари учун мусобақа ғолиби бўлдилар. Такомиллашган лойиҳа асосида йўл қурилишидаги ишлар муддати ярим ойга қисқарди.

●

Абай кўчасида жойлашган республика лекторлар уйида «Ташинжстрой» қурилиш тресги коллективининг қурувчилар кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда трестнинг илғор қурувчилари И. Прокопенко, Э. Турсенметов, П. Лимбиридис, А. Фитц, З. Ёрмуҳамедов ва бошқалар етти ойлик топшириқни муддатидан илгари бажарганликлари ва беш йиллик илғорлари қаторидан муносиб ўрин олганликлари тантанали эълон қилинди.

Эртага

Тошкент шаҳар маданият бошқармаси ташаббуси билан қурувчилар кунига бағишлаб шаҳримиз маданият ва истироҳат боғларида жуда кўп тадбирлар ўтказилади.

Тельман номли маданият ва истироҳат боғи бу байрамнинг марказига айланади. Оромгоҳда куни кечагина Тошкент метроси биринчи навбатининг иккинчи участкаси қурилишининг ниҳоясига етказган азамат бунёдкорлар тантанали кутиб олинади. Бундан ташқари Куйбишев район партия комитети шаҳардаги қурилиш трестлари, механизациялашган кўчма колонналарнинг қурувчиларини ана шу боққа таклиф этган.

Оромгоҳда шаҳримизда олиб борилаётган қурилишларнинг кенг миқёси ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ташкил қилинади. Унда илғор қурувчилар, кейинги йилларда қад кўтарган замонавий бинолар ва иншоотлар, янги массивлар, фотосуратлар ўрин олади.

Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўзларининг қўшиқ ва рақслари билан қурувчиларни хушнуд этиш мақсадида катта концерт программасини тайёрлашган.

Сергели йўлдош шаҳарчадаги «Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги» номли маданият ва истироҳат боғида ҳам ана шундай умумхалқ сайли ўтказилади.

• *Коммунистнинг шахсий намунаси*

Меҳнатда ҳам жамоат ҳаётида

Партия XXVI съезди арафасида ҳар бир коммунист, ҳар бир ишчининг шахсий намунаси жуда катта роль ўйнаяпти.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 6-цехидамиз. Бу ерда бизни моҳир тикувчи, актив жамоатчи, меҳрибон мураббий Саида Набиева билан таништиришди.

Саида 1964 йилда шу корхонага келганда ёшгина қизча эди. Тез кунда у тикувчилик сирларини пухта билан ўрганиб олди. Бунда унга цех мастери Нурия Носирова катта ёрдам берди. Тиришқоқ, абжир қиз тез орада ўз устозига етиб олди.

Саида Набиеванинг ҳаётида 1971 йилда қувончли воқеа рўй берди. У шонли партия сафига ўтди. Тикувчилик касбига ихлос уни ардоқлаш ва эъзозлаш натижасида камол топди.

Коммунист С. Набиева илғор тикувчи бўлибгина қолмай, шу билан бирга ёшларнинг меҳрибон мураббийси сифатида ҳам кўпчиликка танилган. У 16 йилдан буён шу цехда меҳнат қилиб, каттаю кичикнинг ҳурмат-эътиборини қозонаяпти.

Тиниб-тинчимас коммунист 60 дан ортиқ ёш тикувчига мураббийлик қилди. Ҳозирги кунда унинг шогирдлари ўзи билан бир сафда меҳнат қилиб, кунлик ва ойлик нормаларини мунтазам 140—150 процентдан адо этмоқдалар. Улар сафида Дилором Нурмуҳаммедова, Музаррам Тошмуҳамедова, Саҳий Камолова, Сабоҳат Тошпўлатовалар КПСС нинг навбатдаги XXVI съездига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш мақсадида меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг қўлидан костюмлар, сифатли ва бежирим чиқаяпти. Саида Набиеванинг кўксини медаллар, «Социалистик мусобақа аълочиси», «Коммунистик меҳнат зарбдори» нишонлари безаб турибди.

Киров район партия комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган бу пешқадам чеварнинг меҳнат календарида 1982 йилнинг сентябрь ойи бошланди. Унинг бутун эътибори ўнинчи беш йилликнинг тугалловчи йилида съезд шарафига социалистик мусобақада ўз муносиб ўрнини эгаллашга, бошқаларга ишлаб чиқаришда ва жамоат ҳаётида ўрнак бўлишга қаратилган.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

• *Касаба союз ҳаётидан*

МУҲИМ ЭЪТИБОР

Йил бўйи ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашдек машаққатли, лекин шарафли касб эгалари бўлган ўқитувчилар шу кунларда маданий ҳордиқ чиқармоқдалар.

Киров район халқ маорифчилари касаба союз комитети ўқитувчиларни ёзни яхши ўтказишлари учун бор имкониятларни ишга солмоқда. Шу кунларда юздан ортиқ ўқитувчи турли ерлардаги санаторийларда, СССР бўйлаб туристик саёҳатларда, дам олиш уйларида бўлиб, саёҳат қилмоқдалар. Айниқса, кекса ўқитувчиларга, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Улуғ Ватан уруши инвалиди, кекса ўқитувчи Сайфуддин Иброҳимов Қора денгиз соҳилларида бўлиб, ўз дардига даво топгани, уруш йилларида босиб ўтган ерларни кўриб, ҳозирги ободончилик ҳақида қувона-қувона гапириб берди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган кекса маорифчилардан Тошпўлат ака Усмонов «Чинобод» санаторийсида бўлиб, ўз дардига даво топганлигини мамнуният билан сўзлаб берди. Шунингдек, Р. Тўлаганова, И. Касаленко, Н. Насриддинова, И. Санчихина каби ўнлаб ўқитувчилар СССР бўйлаб сайр қилиб қайтишганини фахрийлар билан сўзлашди.

Булардан ташқари ўқитувчиларнинг истаги билан республикамизнинг тарихий обидаларига бой жойларига оммавий экскурсиялар уюштирилмоқда.

С. СУЛТОНОВ,
ўқитувчи.

1979 йил Тошмат Бойматов учун қутлуғ келди. У КПСС аъзоси бўлди. Ўз машинаси билан миллион километр йўл босиб, «миллионер шофер» деган фахрли унвонга сазовор бўлди, ўнинчи беш йиллик планни уч ярим йилда бажарди. Ана шу муносабат билан 1-автокомбинатда йиғилиш ўтказилди. Ўн кишига ўнинчи беш йиллик планни уч ярим йилда бажаргани учун «Ўнинчи беш йиллик зарбдори» нишони берилди. Мукофотланганлар орасида Тошмат Бойматов ҳам бор эди...

Деярли чорак асрдирки, Т. Бойматов шоферлик қилади. Шахмат белгили машинаси билан одамларни манзилга элтади. Кунига Тошкент шаҳрини беш-олти марта айланиб чиқади. Шаҳри азимнинг барча томони унга таниш.

У йиғилиш президиумида ўтирар экан,

Беш йиллик илғорлари

Ваъдага вафо қилиб

беш йилликни тўрт йилда бажариш ташаббуси билан чиққан кунларини эслади. Шунда кўплар «Бизнинг ишимиз станокда ишловчиларникидан фарқ қилади, планимиз ҳам уларникидек бажарилмайди, катта кетдинг, Тошмат», дейишганди. Лекин астойдил, беминнат хизмат қилинса, кирим кўп бўлаверади. Шоферликда ишга ўз вақтида чиқиб, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишни билиш керак.

Маълумки, такси машинани икки шофер смена билан ҳайдайди. Шунинг учун сменчи танлашда гап кўп. Агар сменчи ўз касбини севган, ғайратли бўлса иш юришаверади. Тошмат Бойматов ўз сменчиси Ҳайитбой Умаров билан автокомбинатга олдинма — кейин ишга келишган. Мана, кўп йиллардан бери бирга ишлашади, битта машинани бошқаришади. Машиналарини доим техник жиҳатдан соз сақлашади.

Ўша мажлисда Т. Бойматов бошлаган ташаббусга биринчи бўлиб Ҳайитбой Умаров қўшилганди. Унга Ҳабибулла Раҳматуллаев, Рафаэль Гарипов, Евгений Тишченко, Турғун Йўлчиев, Эргаш Муҳамедов, Александр Мордик эргашди. Уларнинг сони кўп ўтмай 200 дан ошиб кетди.

«Интилганга толе ёр» дейишади. Ташаббускорлар ваъдага вафо қилиб, беш йиллик планни тўрт йилда эмас, уч ярим йилдаёқ бажаришди. Шу туфайли улар бугунги йиғилишда «Ўнинчи беш йиллик зарбдори» нишони билан мукофотланишди.

Тоққа чиққан одам чўққини кўзлаб қоларкан. Ташаббускорлар беш йилликнинг қолган бир ярим йилида икки йиллик планни бажаришга сўз беришган эди. Шу йил 26 июнда автокомбинатда хушхабар тарқалди. Бойматов бу мажбуриятни ҳам шараф билан адо этди. Ҳозир ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили ҳисобига меҳнат қилмоқда. Чинакамига меҳнат қилган киши ортидан шуҳрат эргашаркан. Бунга Тошмат Бойматовнинг ҳаёти яхши мисол бўла олади. У киши ўнинчи беш йиллик бошлангандан буён сурункасига «Мусобақа ғолиби» нишони билан мукофотланяпти. Кўксини «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали, «Тўққизинчи беш йиллик зарбдори» нишони безаб турибди. Икки марта район Советы депутатлигига сайланди.

Тошмат Бойматов каби пешқадамлар туфайли 1-автокомбинат ҳам кўпчилик эътиборига тушди. Ўнинчи беш йилликда коллектив сурункасига планларни ортиғи билан адо этяпти.

Ю. ЗИЁДОВ.

СУРАТДА: Тошмат Бойматов.

А. Тўраев фотоси.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ХАТЛАР

Диққат, янгилик!

Орзу парвоз қилди

Шаҳримизнинг диққатга сазовор Беруний проспектида жойлашган 20-алоқа бўлими шу кунларда ўзгача бир тус олмоқда. Бино ўзбек миллий санъати намунаси билан безанмоқда. Ганч ўймакорлар, наққошларнинг қўли деворлардаги нақшларда сезилиб турибди.

Яқинда Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги қошида ганч-ўймакорлиги бригадаси ташкил қилинди. 14 кишидан иборат бўлган комсомол-ёшлар бригадасига Асрор Мухторов бригадир қилиб тайинланди. Ҳозир бу бригада аъзолари шу алоқа бўлими деворларига ганчли панноларни ишлашяпти.

Бригадир Асрор Мухторов машҳур ганчкор уста Маҳмуд Усмоновнинг шогирдларидан биридир. У 1960 йилда Ленин номли пионер ва ўқувчилар саройида уста Маҳмуд Усмоновнинг таълимини ола бошлаган эди.

Ҳозир эса унинг шогирдлари ҳам кўпайиб бормоқда. Шулар жумласидан, Мўмин Усмонов, Азим Аҳроров, Акмал Обидов, Худойберди Жўраев, Шавкат Зиямуҳамедов ва Азиз Шариповлар устозларидан ганч-ўймакорлик санъати сирларини ўрганиб, бу касбни пухта эгаллаб бормоқдалар.

Асрор Мухторов ҳаётда ўз ўрнини топишида, жамият учун фойдали киши бўлиб етишишида катта ёрдам берган устози уста Маҳмуд Усмоновдан чексиз миннатдор.

М. ҒАФУРОВА.

СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Асрор Мухторов ва ганчкорлар Акмал Обидов, Осим Мўминов ишлаётган пайт; ўнгда — деворга ишланган безакдан бир лавҳа.

Ҳ. Шодиев фотолари.

САНАТОРИЙДАН ХАТ

КЎНГИЛЛИ ДАМ ОЛЯПМИЗ

Биз Ватанимизнинг турли шаҳарларидан келиб «Ботаника» санаторийсида дам олиб даволанмоқдамиз. Бу ерда барча шарт-шароитлар муҳайё.

Саломатлик масканида амалга оширилаётган маданий тадбирлар ҳам қувонарлидир. Турли мавзуларда лекциялар, концерт кечаларининг ўтказиб турилиши ҳам дам олувчиларда яхши таассурот қолдирмоқда. Жумладан, Тошкент маданият институтининг доценти Х. А. Абдуллаевнинг «Нутқ маданияти» суҳбати, республика «Билим» жамиятининг лектори, Нюренберг суд-процессининг қатнашчиси, ҳарбий журналист З. А. Назарованинг «Кишилар, тинчлик учун курашинг» лекцияси мароқ билан тингланди. Шунингдек, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Г. Масичнинг «Сатира ва юмор» кечаси ҳам дам олувчиларга қувонч бағишлади.

В. СУДАКОВ,
тошкентлик доцент,
Л. РЕШЕТНИКОВ,
қарағандалик ишчи.
Ф. КАМОЛОВ,
каттақўрғонлик ишчи.

УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ НАМУНАЛИ АСРАШ ИККИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Маҳалла чиройи

Бизнинг маҳалла меҳнатчилари шаҳримизни янада гўзал ва ораста қилишга қаратилган тадбирларда фаол қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Шу йилнинг ўзида 20 мартага яқин шанбалик уюштирилиб, кўча ва проездлар тозаланди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар ўтқазилди. Улуғ Ватан уруши жангларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган маҳалладошлар хотирасига ёдгорлик ўрнатиш ниятидамиз. Ёдгорлик учун жой тайёрлаб, тартибга келтириб қўйдик.

Маҳалламиз территориясида кейинги икки йил ичида 280 ўринли болалар боғчаси, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли ётоқхона, 180 ўринли шифохона, болалар поликлиникаси қурилди. Бу маҳалла чиройига чирой қўшиб юборди.

Уй-жой фондини намунали асраш икки ойлигида маҳалла аҳолиси фаол иштирок этиб, ўзлари истиқомат қиладиган уйларни ремонт қилиш, ҳовли ва йўлкаларни тоза тутишга эътиборни кучайтирганлар. Шундай хонадонларимиз борки, уларнинг уй-жойларига барча ҳавас билан боқади. Ҳабибулла Абдураззоқов, Тўхтасин Усмонов, Тўхта Исломов, Ҳакима Раҳимова ва бошқалар ўз уйларининг деворларини оқлашган, дераза ва эшикларни бўяб, гулзорлар барпо қилишган.

Яқинда маҳалламиз табиий газ билан таъминланди. Эндиликда Новий путь кўчасининг давоми, Гайдар проезди ҳамда Манжара кўчаларига ҳам газ трубалари ётқизиляпти. Аҳолининг яхши яшаши учун ана шундай қулайликлар яратилаётган бўлсада, баъзи хонадонларимизда кўчаларни озода тутиш, уй кўринишларини яхшилаш, эшик олдиларида гулзорлар ташкил этишга эътибор бермайдиганлар ҳам бор. Улар эшик олдига гул ўрнига экин экиб, уй кўринишини бузиб қўйдилар. Биз бундай кишилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боряпмиз.

Маҳалламиз территориясида Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли ётоқхона жойлашган. Бу ётоқхона территориясини ободонлаштириш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Унинг атрофларига ҳар йили кўчат ўтқазиладию ниҳоллар барг чиқармасдан қуриб қолади. Бошқарма раҳбарлари ётоқхона территориясини ободонлаштириш тадбирларини кўришса ёмон бўлмасди.

Ҳар бир маҳалланинг обод бўлиши шу ерда яшовчи аҳолининг ҳамжиҳатлигига боғлиқ. Бу ишга жамоатчилик биргаликда киришгандагина яхши натижага эришиш мумкин. Биз маҳалламизни янада чиройли, обод жойга айлантириш, уйларимизни намунали асраш борасидаги ишларимизни бундан кейин ҳам давом эттирамиз.

Н. АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ленин районидаги 10-Сариқўл маҳалла комитетининг раиси.
И. РУСТАМОВ,
маҳалла комитетининг секретари.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ИСМОИЛОВ: Менга кооператив аъзолари қандай ҳуқуқларга эга эканлиги хусусида маълумот берсангиз.

Жавоб: Ҳар бир кооператив аъзоси унга кооператив томондан берилган турар жойда ўз оила аъзолари билан бирга яшайди. Ихтиёрий равишда ўз аризасига биноан кооператив мавжуд бўлган хоҳлаган вақтда, уй қурилиши бошлангунча ва қурилаётган пайтда, уй қурилиб бўлганидан кейин, шунингдек, уйдан фойдаланиш вақтида ҳам кооперативдан чиқиши мумкин. Ҳар бир кооператив аъзоси умумий йиғилишнинг розилиги билан у билан доимий бирга яшовчи оиласининг ҳар бир балоғатга етган аъзосига уйини топшириш ҳуқуқига эга.

⁂

Қ. ҚОСИМОВ, Ф. ТЎХТАЕВ: Радио ва телевизорларни тузатишни ўргатадиган уста бўлишни орзу қиламан. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Радиоприёмник телевизорни тузатишга ишқибоз бўлсангиз, Ўқчи кўчаси, 107-уйда жойлашган Тошкент шаҳар социал таъминот бўлимига қарашли ҳунар-техника билим юртига учрашинг. Бу ерда Сиз истаётган ҳунар эгаси бўлиб етишасиз.

* * *

Д. АКРАМОВ: Шаҳримизда протезлар тайёрлайдиган устахона бор деб эшитдим. Шу устахона қаерда жойлашган?

Жавоб: Шаҳримиздаги Куйбишев майдони яқинида Механическая кўчаси бор. Ана шу кўчанинг 5-уйида Ўзбекистон ССР таъминот министрлигининг республика протез-ортопедия заводи жойлашган. Бу ерда бир қанча цехлар бўлиб, ҳар хил буюртмалар қабул қилинади. Заводга 4 ва 5-троллейбусларда борилиб, «Куйбишев майдони» бекатида тушилади.

⁂

Ф. ОБИДОВА: Шаҳримизда пальтоларни қайта тикиб берадиган устахона борми?

Жавоб: Шаҳримизда кийим-кечакларни ремонт қилиб берадиган комбинат бор. Бу ерда ишлаётган тажрибали усталар аҳоли истагига кўра, турли хил либосларни қайта тикиб беришади ва ремонт қилишади. Ана шу ҳақдаги қўшимча маълумотни билиш учун 33-14-44 рақамли телефонга қўнғироқ қилинг.

* * *

И. РАШИДОВА: Яқинда «Чайка» маркасидаги тикув машинаси сотиб олгандик. Негадир яхши айланмасдан бузилиб қолди. Шуни қаерда тузаттирса бўлади?

Жавоб: Шаҳримизнинг Весна кўчасидаги 223-уйда жойлашган «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси усталари бузилган тикув машиналарини буюртма бўйича тузатиб бериш учун уйингизга бориб шу ернинг ўзида ёки уни уйдан олиб кетиб тузатиб беришади. Бу ҳақдаги керакли маълумотларни 91-08-84 рақамли телефонга қўнғироқ қилиб билишингиз мумкин.

⁂

А. ОЛЛАБЕРГАНОВ: Савдо ташкилотларидаги «Шикоят ва таклифлар» дафтари неча кунда бир бор текширилиши керак?

Жавоб: Магазин ва бошқа савдо гармоқларидаги «Шикоят ва таклифлар» дафтари юқори савдо ташкилотлари томонидан камида бир кварталда бир марта текширилиши лозим. Китобда ёзилган ҳар бир шикоят ўз вақтида текширилиши ва керакли чора-тадбирлар кўрилиши керак. Агар «Шикоят таклифлар» дафтари тўлиб қолган бўлса, янгисини юқори савдо ташкилотларидан олиш керак.

Мўъжизакор тасвирлар

Фотография қачон пайдо бўлган?

Бу савол кўпчиликни қизиқтиради, албатта. Профессор К. В. Чибисов тарихий маълумотларни синчиклаб ўрганиб, бу «мўъжизакор» соҳага 1839 йилда асос солинганлигини маълум қилди. Ўша йили фотоаппарат орқали биринчи тасвир ҳосил қилинганлигидан жаҳон аҳли ҳайратга тушган эди.

Кўп ўтмай Туркистон ўлкасида ҳам фотоаппарат «мўъжизаси» ўзини кўз-кўз қила бошлади. Ўтган асрнинг ўрталарида П. П. Семёнов бошчилигида Ўрта Осиёга қилинган экспедицияда фотографиядан биринчилардан бўлиб фойдаланилди.

Фотографиянинг Ўрта Осиёга кириб келиши ва унинг бундан кейинги тараққиёти ҳақида бир ноёб альбом бизга кўп тарихий маълумотлар беради. «Туркестанский альбом» деган номда 1874 йилда босилган бу тўплам ҳозир Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонасининг энг камёб адабиётларидан бири бўлиб қолди.

Улкан илм хазинасининг «Нодир нашрлар» бўлимида унинг тўрт жилди сақланади. Катта фотоколлекцияни ташкил этган бу нашрлар устида мутахассислар жиддий иш олиб боришган. Тўрт йилдан ортиқ вақт давомида қилинган меҳнат ва изланишнинг маҳсули ўлароқ юзага келган альбом Ўрта Осиёнинг тадқиқотчиларидан бири — олим А. Л. Кун раҳбарлигида босмага тайёрланган.

Мазкур тўпламга жамланган фотосуратлар, илова қилинган маълумотлар Ўрта Осиё, қолаверса, республикамиз тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. Альбом ўз замонасининг етук кишилари эътиборини қозонди. Машҳур мўйқалам устаси В. В. Стасов мазкур нашрни ғоятда муҳим воқеа ва камёб меҳнат деб баҳолади. Қимматли ижод маҳсули ҳамиша қадрланганидек, мазкур альбом ҳам муносиб тақдирланди. 1875 йилда Парижда очилган халқаро географик кўргазмада у энг яхши экспонатлардан бири деб топилди. Альбомдаги фотосуратлар Ўрта Осиё халқларининг ўша даврдаги турмуши, яшаш шароити ва машғулоти ҳақида аниқ тасаввур беради.

Тошкентда фотоҳаваскорлари жамияти тузилгандан кейин сал вақт ўтмай дастлабки фотокўргазма ташкил қилинди. Ҳозирги М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғи ўшанда шаҳар боғи деб юритиларди. Бу ерда очилган биринчи кўчма экспозицияга маҳаллий фотографлардан олинган тўрт мингдан ортиқ сурат қўйилди.

Ўзбек фотографларининг тўнғич профессионал вакилларидан бири сифатида танилган Н. Аъзамов ўша давр билан боғлиқ қизиқ бир воқеани сўзлаб берди.

— Кўргазмада С. Ф. Николян, Д. В. Назаров каби уста фотографлар томонидан олинган суратлар айниқса кўпчиликнинг диққатини ўзига тортган эди, — дея хотирлайди у. — Уларнинг сурат олиш маҳорати тобора орта борди. Ҳатто энг яхши фото ишлари халқаро кўргазмаларга юборилди. Марсель шаҳрида 1908 йилда намойиш қилинган халқаро кўргазмага Д. Назаров ўз асарлари билан қатнашганлиги тезда овоза бўлиб кетди. У кўргазманинг олтин медалига сазовор бўлди.

Жуда кўп плёнкаларга сурат туширган моҳир фотограф М. Пенсон ҳам донг таратди. Унинг «Радиоҳаваскорлар», «Қария деҳқон» каби кўпчиликка манзур бўлган фотосуратлари Ўзбекистон ҳаваскор сураткашларининг биринчи республика кўргазмасида муваффақият қозонди. Бу экспозиция 1927 йилнинг ўрталарида Тошкентда очилган эди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонасида бу каби тарихий ҳужжат ва нашрлардан яна бир нечтаси мавжуд. Улар диёримизда фотография иши тарихини ўрганишда, шубҳасиз, муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

А. АЛИЕВ,
педагогика фанлари кандидати.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

САРХИЛ САБЗАВОТ

Оржоникидзе районидаги «Правда» колхози деҳқонлари КПСС XXVI съезди шарафига меҳнат қилиб, шаҳарликларга кун сайин кўплаб сабзавот маҳсулотлари тортиқ қилмоқдалар. Ўн бир минг тонна ўрнига 13 минг тонна сабзавот ҳосили етказиш учун курашаётган «Правда»ликлар кунига 50 тоннадан ошириб ҳосил тайёрламоқдалар. Ана шу ҳосилнинг 10 тоннасини Одил Ризаев бошлиқ бригада бермоқда.

Бригада деҳқонлари жўнатаётган «Винтура» навли помидор серҳосил бўлиб, ҳар тупидан 2,5 килограммгача ҳосил олинади. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, бу нав помидор териб олиш агрегатига мўлжалланган. Чунки у салга эзилмайди, узоқ муддатга сақлаш мумкинлиги билан бошқа нав помидорлардан ажралиб туради.

Оржоникидзе райони меҳнатчилари Тошкент шаҳри аҳолиси қатори Узоқ Шарқ ва Сибирь шаҳарларига ҳам сабзавот маҳсулоти жўнатмоқдалар.

И. ХОНКЕЛДИЕВ.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ҚУЛАЙЛИК ЙЎҚ

Шаҳримиздаги 3, 54-автобусларнинг ва 12-маршрутли таксининг сўнгги, 32-автобуснинг эса 12-квартал бекати йўловчилар билан доимо гавжум бўлади. Афсуски, юқоридаги автобуслардан фойдаланувчи 11, 12, 26-кварталларнинг аҳолиси, 63-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчи ва ўқитувчилари учун бекатда ҳеч қандай қулайлик яратилмаган. Йўловчилар қишда қор, баҳорда ёмғирдан ивиган бўлсалар, энди саратон қуёшидан қуймоқдалар. Чунки бекатга соябон ўрнатилмаган, унинг атрофида пана жой ҳам йўқ. 32-автобус тўхтайдиган жойдаги алмисоқдан қолган иккита ёғочни ҳисобга олмаганда, бирорта ўриндиқ ҳам йўқ.

Акмал Икромов район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари бу «ўгай» бекатга қачон назар ташлашади?

Т. АСИМОВ,
Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архиви ходими.

• *Истеҳзоли хатлар*

Билиб билмасликка олишади

«Қорасув» совхозида истиқомат қилувчи эр-хотин Зокир Йўлдошев ва Нортожи Йўлдошева пионер лагерида дам олаётган фарзандларини кўриб келиш учун йўлга отланишди. Улар борадиган жойга шаҳардаги 6-маршрутли микроавтобус қатнайди. Шунинг учун Ленинград кўчасидаги автостанцияга келиб навбатчи диспетчерга мурожаат қилишди.

— Айтингчи, автобус кутсак бўладими?

— Албатта, — деди навбатчи соатига қараб. Ҳозир соат 18 дан 30 минут ўтди. Яна ярим соатдан сўнг охирги автобус жўнайди.

Улар кута бошлашди. Шу орада Тошкент авиация бирлашмасининг ишчиси Рустам Аҳмедов ва яна учтўртта йўловчи тўпланди. Лекин ярим соатдан кейин ҳам, 40 минутдан кейин ҳам автобусдан дарак бўлмади. Ниҳоят 19 дан 15 минут ўтганда «01—58 ТНП» номерли микроавтобус ҳайдовчиси диспетчер хонасига кириб келди (аслида у бундан ярим соат олдин қайтиб келиб, станциянинг бир четида вақтнинг ўтишини пойлаб ўтирган эди) ва йўл варақасига 1 сўм қўшиб узатди.

— Иш вақтим тугашига 45 минут қолди. Мени бошқа маршрутга ўтказақол.

— Бу йўловчиларга нима деймиз? — диспетчер шофёрга қаради.

— А, қўявер, — қўл силтади шофёр. — Улар экспрессда ҳам кетишади...

Чойчақа олган диспетчер шофёрнинг илтимосини қайтара олмади. Лекин йўловчиларга қараб баралла овоз билан:

— Энди автобус бўлмайди, кутиб ўтирманглар! — дейишдан тортинмади.

Йўловчилар норозилик билдиришди. Аммо натижа чиқмади. Шу пайт йўловчиларни ранжитган воқеага биз аралашдик ва навбатчи диспетчердан исми-фамилиясини сўрадик.

— Менинг фамилиямнинг бунга нима дахли бор, — деди у совуққонлик билан.

— Чунки бу воқеа сизнинг навбатчилигингизда содир бўляпти-ку!

— Ундай бўлса, менинг исми-фамилиям йўқ, — деди у безбетлик билан.

Шундай қилиб, қорасувлик икки йўловчи манзилга етолмай ярим йўлдан қайтиб кетди.

Инқилоб хиёбони — Улуғбек посёлкаси оралиғида қатнайдиган 6-маршрутда бундай кўнгилсиз воқеалар ҳар куни бўлмасада, кунаро бўлиб туради. Бу ҳақда автопарк раҳбарларига шикоятлар ҳам ёзилди. Лекин аҳвол ҳамон ўзгаргани йўқ. Чамаси, «Главташпассавтотранс»даги мутасадди ўртоқлар бундай воқеаларни эшитиб-эшитмасликка, билиб-билмасликка олишяпти.

Н. ШАКАРОВ,
Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг жамоатчи контролёри.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

БЕКАТ БОР-У, АВТОБУС ЙЎҚ

Биз истиқомат қилаётган 1-Қорақамиш массивининг 4-микрорайони аҳолиси 20 минг кишидан ортади. Ўтган даврда микрорайон ободонлаштирилиб, аҳоли учун бирмунча қулайликлар яратилди. Бироқ, бу ерда транспорт масаласи ҳалигача ҳал этилмаган.

Эрталаб ишга отланган кишиларнинг кўпчини 2-микрорайонга олиб борувчи йўлдан турнақатор тизилишиб кетишаётганини кўрасиз. Чунки автобусга ўша ердан чиқиш мумкин. Микрорайон яқинидан ўтган катта кўчада автобуслар учун махсус бекатлар қурилганига ҳам деганда, беш йил бўлди. Бироқ, ҳалигача бирорта автобус яп-янги бекатларда тўхтаб, уларни «обод» қилганича йўқ.

Ҳозирги кунда 43 ва 43-экспресс автобуслари 2-микрорайонга келгач, аҳоли жуда ҳам кам қатнайдиган Шимолий Олмазорга жўнайди. Агар бу маршрутни 4-микрорайондан ўтадиган қилинса, мазкур маршрутга биргина бекат қўшилган ҳолда, аҳоли учун ғоят қулайлик яратилган бўлинар эди.

Бундай ташқари бизнинг микрорайон яқинидан 42, 109, 116-автобус маршрутлари ўтади. Улардан айримларини ҳам микрорайон орқали ўтадиган қилишнинг имкони бор.

Бизга ҳозирча хизмат кўрсатаётган ягона транспорт воситаси 27-трамвай маршрутидир. Афсуски бу маршрут ҳақида яхши гап айтиш қийин. Гап шундаки, ҳайдовчилар «интервал» деган сўзнинг маъносини билишмайди шекилли, трамвайларни кетма-кет ҳайдаб ўтишади-да, кейин роса кутдиришади. Кўпинча ярим йўлдан — 4 ва 2-микрорайонлар оралиғидаги диспетчер ҳалқасидан орқага «жуфтакни ростлаб» қолишади.

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг раҳбарлари 1-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонидаги транспорт муаммосини қачон ҳал этишаркин?

Микрорайон аҳолиси номидан:
М. МАМАДАЗИМОВ.

ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

Наманган районидаги Охунбобоев номли колхоз клубида ҳозирги замон ўзбек шеърияти кечаси бўлиб ўтди. Тошкентлик шоиралар Қурбоной Убайдуллаева билан Нодира Рашидова кечани уюштиришда адабиёт ҳаваскорларига кўмаклашдилар. Улар кечада Совет Ўзбекистони адабиётининг ривожланиши ҳақида гапирдилар. Ўз шеърларини ўқиб бердилар.

Республика пойтахтидан борган шоиралар Наманган области бўйлаб ўз ижодий сафарини шу кечадаги суҳбат билан бошладилар. Улар саноат корхоналарининг ишчилари, колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари ҳузурида бўладилар. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи беш йилликнинг якунловчи йили мўл ҳосили учун курашнинг ана шу долзарб кунларида пахтакорларнинг республикадаги таниқли ёзувчилар ва шоирлар билан учрашувларини ташкил этади.

(ЎзТАГ).

«Союзпишчепромпроект»га қарашли «Гипро пишчепром» 3-Давлат лойиҳа институти Тошкент филиали ходимлари республикамизда қуриладиган кўплаб озиқ-овқат саноати корхоналарининг лойиҳа чизмаларини тайёрлаб беришга сафар бар этилган. Ҳозир бу ерда Тошкент шаҳри ва бошқа районларда қурилаётган ёғ-экстракция заводлари ва бошқа корхоналарнинг лойиҳалари юксак сифатли қилиб тайёрлаб берилмоқда.

СУРАТДА: технология бўлимининг ходимларидан (чапдан) группа раҳбари Галина Уланова, катта инженер Лидия Ли, группа раҳбари Рашида Сайдиева ва лойиҳа бош инженери Валентин Ратушнийлар навбатдаги лойиҳа ҳужжатларини кўздан кечиришмоқда.

И. Шонногомов фотоси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Серунум агрегатлар

Навоий ГРЭСида технология билан кўзда тутилмаган агрегат пайдо бўлди. У қозонларни кирланиш ва коррозиядан иҳота этувчи установкадир. Бутуниттифоқ халқ хўжалигида газдан фойдаланиш илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё филиалида мамлакатда биринчи шундай қурилма ишлаб чиқилди. Тадқиқотлар чоғида шу нарса аниқландики, металлургияда ишлатилувчи хом ашё турларидан бири — алюмосиликатлар қора мой ёки газга аралаштирилганда қозонларни кирланиш ва коррозиядан ҳимоя этишдан ташқари атмосферага заҳарли моддалар чиқарилишини ҳам қисқартирар экан. Электростанция ёнилғисига алюмосиликат қўшиб турадиган содда ва арзонга тушадиган установканинг харажатлари бир ойда қопланади. Ҳолбуки, бир йилда у юзлаб минг сўм иқтисодий самара келтиради.

Республиканинг бошқа бир қанча иссиқлик электр станцияларида шундай серунум агрегатларни монтаж қилиш мўлжалланмоқда.

Янги полимер материал

«Узгипроводхоз» институтининг лабораторияларида зовур трубофильтрлари учун формальдегид смолаларининг базасида яратилган янги полимер материал — поропласт сизот сувни яхши фильтрлайди, енгил ва пишиқ, одатдаги зовур қувурларга ишлатилган ғовак бетон ва керамикага нисбатан коррозияга янада бардошли.

Янги материалдан ясалган трубофильтрлар Комсомол районидаги пиллачилик совхозининг далаларида синовдан ўтди. Тажрибалар поропласт қувурларни лой босиб қолмаслигини, анъанавий шағал-қум солиш талаб этилмаслигини кўрсатди. Шунинг ўзигина ҳар километр зовур ётқизишда 2 минг сўмгача пул тежашга имкон беради.

Ҳозир «Узгипроводхоз» ходимлари поропластдан қувур ясаш жараёнини автоматлаш устида ишламоқдалар. Тажриба установкаси ясалди. У ҳар 12 минутда узунлиги 60 сантиметр ва диаметри 100 миллиметрга борадиган битта поропласт қувур чиқазиб тура олади.

Ғовак пластикадан ясалган қувурлар республиканинг қўриқ массивларидаги шўр босган участкаларни ўзлаштиришда кенг қўлланади.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СССРнинг кўмаги билан

СОФИЯ. Бургас нефть-химия комбинатидаги катализ крекинги комплекси қурилишида муҳим воқеа содир бўлди: 185 тонна вазндаги реактор кўтарилиб, пойдеворга ўрнатилди. Мураккаб операция ҳар бири 110 тоннадан юкка бардош бераоладиган 2 монтаж мачтаси ёрдамида амалга оширилди. Ўз қуввати ва техника даражаси жиҳатидан ноёб бўлган бу комплекс Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан барпо этилмоқда.

15 йилдан сал кўпроқ тарихга эга бўлган Бургас комбинати Болгариянинг нефтни қайта ишловчи энг катта корхонасидир. Айни вақтда бу республикадаги энг йирик қурилишлардан бири. Бу ерда кенгайтириш ва янгилаш программасида 12 объектни ишга тушириш кўзда тутилган. Ана шу объектлар узлуксиз ишлаб чиқариш циклида нефтни тўла қайта ишловчи қувватлар вужудга келтирилишини таъминлайди.

ФАННИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН АЛОҚАСИ

ПРАГА. Ишлаб чиқариш билан алоқаларни мустаҳкамлаш — Чехословакия олимлари ишининг бош йўналишидир. Мамлакатда илмий изланиш самарадорлигини ошириш учун ҳаракат авж олиб кетди. Олий химия-технология билим юрти ана шу ҳаракат ташаббускорларидан бири бўлди. 1979—1980 ўқув йилида бу ерда ўтказилган илмий ишларни жорий этишдан олинган иқтисодий самара ўн миллион кронадан ошиб кетди.

Анилин ишлаб чиқаришнинг янги технологияси олимларнинг ихтиролари жумласига киради. Янги технология Остравадаги заводда жорий этилганлиги меҳнат унумдорлигини саккиз баравар оширди, ишлаб чиқариш харажатлари қисқарди.

ВАРШАВА ТЕЛЕВИЗОР ЗАВОДИ МАҲСУЛОТЛАРИ

ВАРШАВА. Бу ердаги телевизор заводи юз мингтадан кўпроқ рангли «Юпитер» телевизорларини ишлаб чиқарди. Поляк инженерлари Совет Иттифоқининг «Рубин» рангли телевизорларини йиғиш чоғида орттирган тажрибалари уларни ишлаб чиқаришни қисқа муддатларда ўзлаштириб олишларига ёрдам берди.

Чорак аср муқаддам СССРнинг техникавий кўмаги билан республикада биринчи «Висла» телевизорлари ишлаб чиқарила бошланган эди. Эндиликда эса аҳоли ўртасида машҳур бўлган «Нептун», «Таурус», «Антарес» каби моделлар билан бир қаторда мамлакатда ихчам «Лео» телеприёмниги, рангли телевизорлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.

«Ҳаётимизнинг асосий қонуни — болаларнинг бахт-саодати» халқ Польшасида ёш авлодга ғамхўрлик ана шундай шиор остида амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг ёш қатнашчилари.

ЦАФ-ТАСС фотоси.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ

ВЕНА. Австриянинг демократик жамоатчилиги шонли юбилейни нишонлади. Бундан 35 йил муқаддам Австрия Коммунистик партиясининг жанговар органи «Фольксштимме» газетаси очиқ чиқа бошлаган эди. Урушдан аввалги оғир йилларда, фашистларнинг қонли террори даврида коммунистларнинг шу газетаси чоп этилиб турди. Коммунистлар яширин иш шароитида нацист диктатурасига қарши, демократия учун ва ўз мамлакатининг мустақиллиги учун курашдилар.

«Фольксштимме» газетаси чиқарила бошлаган биринчи кунданоқ тинчлик, қуролсизланиш, халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ғояларини тинмай ва изчил пропаганда қилди. Газета кескинликни юмшатиш сиёсатини қўллаб-қувватлаганлиги, Хельсинкида ўтказилган Умумевропа кенгаши Якунловчи актининг қоидаларини амалга оширишни ёқлаб чиққанлиги учун халқаро майдонда обрў-эътиборга сазовор бўлди.

«Фольксштимме» газетаси синфий позицияда туриб, Австрия меҳнаткаш аҳолиси кенг табақаларининг туб манфаатлари учун ҳормай-толмай кураш олиб бормоқда, мамлакатда чуқур социал-иқтисодий ва демократик ўзгаришларни амалга оширишнинг, халқаро монополиялар ва йирик капиталнинг ишчилар синфи ғалабаларига қилаётган ҳужумига қарши уюштирилаётган кўпгина оммавий кампанияларнинг ташаббускоридир.

Студентлар лагерлари

БАҒДОД. Ироқ пойтахтидан жанубрoқда жойлашган қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши билан шуғулланаётган халқаро студентлар отряди ишида саккизта чет мамлакат ёшларининг намояндалари қатнашмоқдалар. Улар деҳқонларнинг оилалари учун 340 та уй-жой қурилишлари, ана шу районни иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш учун база барпо этишлари лозим.

Ироқ студентлари миллий союзининг ташаббуси билан бутун мамлакатда ташкил этилган ёзги лагерлар мамлакат студент ёшлари ўн минглаб намояндалари учун меҳнат тарбияси мактаби бўлиши лозим.

Пекин — империализмнинг гумаштаси

СОФИЯ. «Работническо дело» газетаси Хитойнинг ташқи сиёсати тўғрисидаги шарҳларида бундай деб ёзади: буюк давлатчилик шовинистик хом хаёлларга берилиб кетган ҳозирги Хитой раҳбарлари империализмнинг ошкора гумашталарига айланиб қолдилар. Пекиннинг гегемончилик ниятлари буни замонамиздаги энг реакцион кучлар қарорғоҳига, тинчлик ва социализмнинг энг ёвуз душманлари қарорғоҳига элтиб қўйди. Совет Иттифоқига ва социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигига душманлик назари билан қараш Пекин ташқи сиёсатининг асосий мазмуни бўлиб қолмоқда.

Газета яна қуйидагиларни ёзади: айни антисоветизм Хитой гегемончилари билан Америка империалистларини бир-бирига жуда яқинлаштираётган негиз бўлиб қолганлиги бежиз эмас. Вашингтон билан Пекин ўз ҳамкорлигининг «стратегик характерда» эканлигини яширмаяпти. Оқ уй Хитойга ҳарбий техника ва машинаускуналар сотиш ниятида эканлигини маълум қилди ва бу билан Хитой раҳбарларининг милитаристик кайфиятларини кучайтиришга очиқдан-очиқ умид боғламоқда.

Пентагон раҳбарлари ана шу техникадан кимларга қарши фойдаланиш кераклигини очиқ кўрсатиб бермоқдалар ва «ҳарбий жиҳатдан кучли бўлган ва совет ҳарбий қудратига қарама-қарши тура оладиган Хитой»ни вужудга келтиришни ёқлаб чиқмоқда. Ғарбий Европадаги ўнг кучлар ҳам ҳарбий-саноат доираларининг Хитой билан бир битимга келишини рағбатлантириб, ўз қилмишларини оқлаш учун ана шу баҳонадан фойдаланмоқдалар.

Пекин Японияни ҳам ўзининг Советларга қарши сиёсати гирдобига тортиш учун интилмоқда. Шунинг учун ҳам Токиога мурожаат қилиб, уни «Советларнинг Тинч океан ҳавзасига суқулиб киришидан ҳимоя чораларини кўришда каттароқ роль ўйнаш»га даъват этмоқдалар, мамлакатнинг милитарлаштирилишини талаб этаётган реваншчи доираларни қўллаб-қувватламоқдалар.

Хитой стратеглари «учинчи дунё»ни халқаро майдонда ўзининг гегемончилик мақсадларига хизмат қилиши лозим бўлган кучларнинг бири, деб ҳисоблайдилар. Жануби-шарқий Осиё — Пекин кўзда тутган асосий объектдир. Улар бу регионни Хитой таъсир кўрсата оладиган табиий доира, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам экспансиячилар йўлига ғов бўлган мустақил Социалистик Вьетнам, тинчликсевар демократик Лаос ва кўп жафо чеккан бўлса ҳам ўз озодлиги йўлидаги курашни охиригача етказишга шай бўлиб турган Кампучия Хитой ҳукмдорларини дарғазаб қилмоқда.

Газета Пекиннинг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатидаги тактикасини фош қилиб ташлайди. Хитой раҳбарлари, дейилади газетанинг шарҳларида, коммунистик ҳаракатга «қайтиб келиш» ниқоби остида бузғунчилик фаолиятининг янги босқичини бошлаб бермоқдалар. Пекин баъзи партияларнинг «алоҳида» позицияларини рағбатлантириб, революцион жараён тараққиётининг умумий қонуниятлари масалалари юзасидан мавжуд келишмовчиликларни бўрттириб, ана шу партияларни КПСС га ва социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларнинг қардош партияларига қарама-қарши қўйишга уринмоқда.

«Работническо дело» газетаси ўз шарҳларида хулоса чиқариб, қуйидагиларни таъкидлайди: Хитойнинг сиёсати империализмга кўмаклашибгина қолмай, балки унинг зарбдор кучи ҳам бўлиб қолди. Шу боисдан Пекиннинг инсониятга душман бўлган сиёсий йўлига қарши кураш империализм ва реакцияга қарши курашнинг бир қисми бўлиб, жаҳондаги тараққийпарвар кучларнинг бирлиги Хитой гегемончиларининг авантюристик режаларига ғов бўла олади.

Босмачиларга қарши курашга

ҚОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасининг ҳамма жойида халқ ҳукуматини ва Афғонистон халқ демократик партияси ўтказаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаб, аҳолининг митинглари ва йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Бахтар агентлигининг хабар қилишича, Фарах шаҳри (Фарах вилоятининг маркази)-да бўлиб ўтган митингда ишчи ва деҳқонларнинг вакиллари, ўқитувчилар, руҳонийлар иштирок этдилар. Вилоятнинг қишлоқларида ўзини-ўзи мудофаа қилувчи отрядларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Кундуз шаҳридан олинаётган хабарларга кўра, ватанпарварлик кайфиятидаги меҳнаткашлардан тузилган ўзини-ўзи мудофаа қилувчи отрядлар чет элдан АДРга суқулиб кираётган террорчи шайкаларни тугатишда халқ армияси билан полицияга каттагина ёрдам бермоқдалар. Ана шу отрядлар ўтказган операциялар натижасида мамлакат шу райони қишлоқ ва шаҳарларидаги ҳаёт нормал изга тушмоқда.

Бутун афғон халқи, деб таъкидлайди Бахтар агентлиги, босмачиларга қарши курашга отланмоқда. Афғон халқи империализмнинг ва регионлардаги реакциянинг садақаларини ўт қўйиш ва одамларни ўлдириш билан оқлаётган манфур босмачилардан халос бўлишга азму қарор берган.

● *Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллиги олдидан*

Тиббиёт султони ҳақида

Тиббиёт илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино илм-фан оламида сўнмас қуёш бўлиб қолади. Унинг илм зиёси оламга нур сочди. Унинг тиббиётга бағишланган биргина «Тиб қонунлари» («Китоб ал-қонун-фит-тибб») асари олти аср мобайнида Ғарбнинг медик-олимлари ва врачлари учун дастуруламал бўлиб келди ва ҳозир ҳам дастуруламалдир.

Абу Али ибн Сино дунё илмларининг турли соҳаларига бағишланган 450 га яқин асар ёзиб, инсониятга ғоят бой илмий ва маданий мерос қолдирди. Назарий ва амалий тиббиётга шоҳона ҳисса қўшди. Ўзбекистон «Медицина» нашриёти Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб ўндан ортиқ русча ва ўзбекча «гулдаста»ни ўз ўқувчиларига тортиқ қилди. Рисоланинг ҳар бири таниқли йирик ўзбек медик-олимлари қаламига мансубдир. Рисолаларда Ибн Синонинг тиббиётга оид «Тиб қонунлари» асарида тиб илмининг бир қатор соҳаларини қай даражада ёритиб берилганлиги конкрет мисолларда таҳлил қилинади. Қуйида биз мана шу рисолаларнинг айримлари ҳақида қисқача фикр баён этамиз.

А. И. МЎМИНОВ. «Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари»да оториноларингология масалалари».

Мазкур асарда буюк олим Абу Али ибн Сино ёзиб қолдирган бебаҳо илмий мероснинг адабийлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Унда қулоқ, томоқ, бурун касалликлари Ибн Сино «Қонун»ида қай тариқа тасвир қилинганлиги баён этилади. «Буюк ҳаким — дейди автор рисолада, — тафаккурнинг кучи ва истеъдоди билан одам организмининг тузилиши ва унинг қандай ишлашини ўрганиб чиқди. Томоқ, бурун, қулоқ касалликларини даволаш борасида Ибн Сино ўзининг улкан шахсий тажрибаси ва кузатишларига асосланади. Унинг кўпдан кўп фикр-мулоҳазалари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда».

И. К. МУСАБОЕВ, «Юқумли касалликлар ҳақида Ибн Сино мулоҳазалари».

Бу рисолада эса Ибн Сино баён этган юқумли касалликларнинг тарқалиши, келиб чиқиш механизми ва патогенези, клиник аломатлари ва даволаш усуллари ҳамда уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари масалалари изчиллик билан тасвир этилган.

Т. Ў. ОРИПОВА, С. О. ОРИПОВ, «Бола саломатлиги тўғрисида Ибн Сино фикрлари ва уларнинг замонавий ривожи».

Асарда Ибн Синонинг болалар тарбиясига ижтимоий-гигиеник жиҳатдан қандай муносабатда бўлганлиги, болаларнинг саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш борасида олим айтиб кетган чора-тадбирлар хусусида фикр юритилади. Шунингдек, рисолада алломанинг ватанида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш эндиликда қандай муваффақиятли амалга оширилаётганлиги баён қилинади.

В. В. ВОҲИДОВ, «Абу Али ибн Сино «Қонун»ида хирургия масалалари».

Китобчада автор ибн Синонинг жарроҳлик соҳасида қилган ишлари, эришган ютуқлари ва мерос қилиб қолдирган операция усулламалари ҳақида тўхталади. «Ибн Сино қўллаган диагностик приёмлар ва методлар, — дейди рисола автори, — ниҳоятда ноёб, уларнинг кўпчилигини эса буюк шифокорнинг ўзи ишлаб чиққан. Неча-неча асрлар оша шифокорлар учун дастурулмал бўлиб келган «Қонун» билимимизнинг яна ҳам ошишига катта ёрдам беради».

К. И. ЙЎЛДОШЕВ, «Абу Али ибн Синонинг ички касалликларга доир баъзи фикрлари».

Китобчада айтилишича, Ибн Сино асарларини чуқур ўрганиш асосида улуғ ҳакимнинг юрак-томир, нафас органлари, меъда-ичак йўллари ва жигар-ўт системаси касалликлари хусусидаги фикр-мулоҳазалари ҳар томонлама таҳлил қилиб берилган.

О. Ш. ШОКИРОВ, Е. В. ЛУЗИНА, Абу Али ибн Сино асарларида травматология ва ортопедия масалалари».

Китобчада олим «Тиб қонунлари»да травматология ва ортопедия масалаларига қандай муносабатда бўлганлиги, маслаҳат ва тавсиялари, шикастланганларни даволаш усуллари атрофлича баён қилинган. «Ибн Синони, — дейди авторлар, — ҳақли равишда, травматология ва ортопедиянинг асосчиларидан бири, дейиш мумкин».

А. ҚОСИМОВ.

ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

БУГУН

Тошкент ҳайкалтарошлик тажриба комбинатида ўзбек демократ шоири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ҳайкалининг лойиҳасини яратиш ишлари бошлаб юборилди. Лойиҳага архитектор С. Сутягин билан ҳайкалтарош, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати И. Жабборов раҳбарлик қилмоқда.

— Ўз она халқи учун қайғурган, айрилиқда уни ёд этиб соғинган шоир образини яратиш, — дейди ҳайкалтарош, — кишига жуда ҳам катта масъулият юклайди.

Ҳайкал тобора кўркамлашиб бораётган пойтахтимизнинг шоир номи билан аталадиган кўчасида ўрнатилади.

Шаҳримизнинг Навоий проспектида янги «Ўқувчи» магазини ишга тушди. У ўқув қуроллари билан савдо қилувчи пойтахтимиздаги ягона ихтисослашган магазиндир.

СУРАТДА: сотувчи Анвар Мажидов харидорлар хизматида.

М. Нуриддинов фотоси.

ОРОЛДА ҲОРДИҚ

Сирдарёнинг Саламатино оролидаги металлурглар ҳордиқ чиқариш зонаси дастлабки дам олувчиларни қабул қилди. Бу зона Бекободдан сал нарида хушманзара дарахтзорлар орасида жойлашган. Бу ерда оиласи билан ҳам дам олгани келувчилар учун коттежлар қурилган. Гулзорлар кенг ётоқхона корпусини қуршаб олган. Сал нарида спорт комплекси, ҳовуз, танца майдони бор. Дам олиш зонасини асосан Ўзбекистон металлургия комбинатининг ёш ишчилари қурдилар. Тошкент политехника институти студент қурилиш отрядининг жангчилари уларга ёрдам бердилар.

(ЎзТАГ).

ҚИРҒОВУЛ ҚЎРИҚЛАНАДИ

Зарафшон қирғовулининг сони кейинги йилларда икки баравар кўпайди. Қоракўл қўриқхонаси территориясидаги ҳайвонотни рўйхатга олишда қатнашган С. Орджоникидзе номли Бухоро педагогика институти студентлари шундай хулосага келдилар. Рўйхатдан маълум бўлдики, бу ерда оқ қуён, қум мушуги, қирғовул, тувдоғ яшамоқда. Чўл каклиги, бўз ғоз, бургут, бўзтўрғай, саксовул чумчуғи сони ҳам кўпайибди.

Студентлар — қўриқхона ходимларининг актив ёрдамчиларидир. Улар нодир ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракатларини ўрганаётиб, уларга қўриқхонада яшаш учун шароитлар вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Студентлар саксовулзор барпо этдилар, черкес, қандим ўтқаздилар. Катта мева боғи барқ урмоқда, ҳовузларнинг суви салқин қилмоқда.

[ЎзТАГ].

Бир бўйдоқнинг орзуси

(ҲАЖВИЯ)

Космос асрида яшаяпмизми, яшаяпмиз. Техника тараққиёти тобора юксаляптими, юксаляпти. Одамларнинг эҳтиёжи ортиб боряптими, ортиб боряпти. Хўш шундай экан, нега шу вақтгача кишилар қалбини телевизор экрани сингари тасвирлаб берувчи мўъжазгина аппарат ишлаб чиқарилмайди. Агар шундай аппарат бўлганида турмуш қуришга аҳд-паймон қилган биздек бўйдоқлар учун ҳам қулай бўларди. Йигит қизнинг, қиз йигитнинг қалбини аппарат орқали бир кўрса, масала узил-кесил ҳал бўларди, қўярди.

Тунов куни анҳор лабидан хаёлчан бораётсам бир ёш қиз билан йигит аҳди паймон қилишяпти. Қулоғимга қизнинг «Сизсиз ҳаёт менга кераkмас» деган сўзлари эшитилди. Албатта, бу вафодорлик нишонаси. Бироқ масаланинг лекини ҳам бор-да. Хўп айтайлик, ўша шоирона қиз севган йигитига турмушга чиқса нур устига нур. Борди-ю, бунинг акси бўлсачи? Демак ана шу «булбулигўё» юлдузи тўғри келган бошқа бир йигитга «сизсиз ҳаёт менга кераkмас» деган гапни такрор айтмаслигига ким ишонасига «шу йигитга тегмасам ўламан» қабилида гап айтибди.

Афсуски, қиз тўйдан бир ой ўтар-ўтмас арзимаган баҳона билан уйига жўнаб қолди. Албатта, дўстим ҳам, рафиқаси ҳамгини қаердан била қолибди бу «донишманд» деган фикр келди. Хайр-маъзурни насия қилиб жуфтакни ростладим. Агар ўша аппарат бўлгандами, «донишманд» қизнинг қалби мен учун ҳамон тилишини озмунча орзу қилдимми? Энди стдим деганда, бу шаддод қиз аппаратга ҳам чап бермоқчи-я. «Аёлларнинг юз макри бор» деганлари шу бўлса керак-да. Овора бўласан, сен ўйлаган ланоладими?!

Агар мен айтаётган аппарат бўлгандами, қиз ўз ҳаётида ана шу ошиқона сўзни неча марта такрорлаганлари равшан бўларди-қоларди.

Бир дўстим йиллаб, қисиб-қимтиб йиққан пулини харжлаб уйланди. Тўймисан тўй бўлди. Висол оқшоми кечаси қадаҳ кўтариб ёшларга бахт тиламаган одам кам қолди. Тўйдан олдин дўстим бир куни менга дил ёзиб, «шу қизни олмасам — ўламан» деб қолди. Бўлажак келин ҳам яқин дугоҳаёт юришибди.

Агар махсус аппарат бўлганида эди, юқоридаги Фарҳод-Шириnларнинг «тўйдан олдин ноғора қоқишларига» ўрин қолмасди.

Яқинда бир қиз билан учрашдим. Рисоладагидек. Буни қарангки «бахтимиз кулиб» кун ора кўришадиган бўлиб қолдик. Хиёбонда дам олиб ўтирсак, қиз даб-дурустдан: «Ҳаёт жуда мураккаб экан» деб қолди. Ҳайрон бўламан. Бир зумда лоп этиб хаёлимга «Ўзи энди йигирма ёшга кирган бўлса-да, ҳаётнинг мураккаблимуаммо бўлиб қолмасди, албатта.

Бугун туш кўрибман. Қарангки, мен орзу қилган аппарат яратилганмиш. Бир хурсанд бўламан, бир хурсанд бўламан. Нуқул «ниҳоят энди уйланадиган бўлибман-да» дейман ўзимга ўзим тиржайиб.

Шу чоқ бир қиз рўпарамда табассум билан пайдо бўлди. Қўлидан ушлаб аппарат ёнига келтирдим. Шунда қиз: «Вой менга ишонмайсизми» деб нозланиб қолди. Нозга бало борми? Ахир шундай аппарат ярадовурлардан эмасман».

Шубҳам ошиб кетди. Ниҳоят қиз истар-истамас аппарат рўпарасига келди. Аппарат экранидаги қизил чироқ «яхши» деган ёзувни ёритганида ҳайратдан лол бўлиб қолдим. Чунки мен макр деб ўйлаган нарса иффат ва ибо бўлиб чиққан эди.

Тавба шу куни экран тасвирида жонланган ўндан ортиқ қизларнинг ҳаммаси синовдан муваффақиятли ўтса-я.

— Қани мулла ака, энди навбат сизга, — деб қолди ўша қиз.

Кескин бурилиб шарт аппаратга солдим ўзимни. Экранга тикилиб турган барча қизлар бирдан кулиб юборишди. Аппаратни ишга солувчи кексароқ техник ёзувга синчков назар ташлаб, оғир йўталиб қўйдида менга «бўлди» ишорасини қилди. Дарҳол аппарат экранига нигоҳ ташладим. Қизил чироқ дам-бадам «рашк-рашк» деган сўзларни ёритиб турарди. Ҳайронликда турсам, мен ёқтирган қиз «Вой, мулла ака, қалбингизнинг ҳаммаси рашкка тўлиб кетган эканку, сиздек одамлар муҳаббатнинг қадрига етармиди?» деб, қўл силтаб жўнаб қолди.

Чўчиб уйғондим. Уйқу қочиб, хаёл етаклаб кетди. Бундай ақлни пешлаб ўйласам, аввало, ўша аппаратни орзу қилган биздек «донишманд» ва «нозик дидли» йигитларнинг қалби ойнадек тоза бўлса яхши экан. Аксинча, аппарат ёруғида ўзимизнинг сирларимиз фош бўлиб қоларкан.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

11 августдан бошлаб
ШАҲАР КИНОЭКРАНЛАРИДА

«ЭҲТИЁТ БЎЛ, ИЛОН!»

ЯНГИ, РАНГЛИ, КЕНГ ЭКРАНЛИ
2 СЕРИЯЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ
НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

СЦЕНАРИЙ АВТОРИ — АНДРЕЙ ТАРКОВСКИЙ.
ПОСТАНОВКАЧИ-РЕЖИССЕР — ЗОҲИД СОБИТОВ.
Р О Л Л А Р Д А: Пўлат САИДҚОСИМОВ, Юрий ПУЗИРЕВ, Ҳамза УМАРОВ, Анда ЮНУСОВА ва бошқалар.

Кичикроқ Тахтақўрғон посёлкасининг бир маромдаги сокин ҳаётини даҳшатли ҳодисалар ларзага келтирди. Мактаб директори Григорьев ўлдирилди. Биринчи қотиллик кетидан иккинчиси юз берди — браконьер Ҳамроқул Қурбонов ўлдирилди. Жиноятлар занжири бу билан узилиб қўя қолмайди... Кўҳна, ярим хароба Қоратоир қалъасида яна бир жасад — тарих ўқитувчиси Хўжаевнинг мурдаси топилади.

Милиция капитани Ниёзовга ёрдам кўрсатиш учун Урганчдан тажрибали терговчи Шчербаков етиб келади.

Тергов бошланади— сўроқ қилиш, жиноят содир бўлган ерга бориш ва яна сўроқ қилиш. Даҳшатли қотилликлар тугунини ечишдан олдин кўпгина версия ва эҳтимоллардан воз кечишга тўғри келди.

...Барча излар Қоратоир қалъасига олиб борарди. Жиноятчилар — илон тутувчи Қудрат Мирзаев ва маҳаллий мактабнинг расм ўқитувчиси Собир Азимозлар ҳам айни шу ерда қўлга олиндилар. Қоратоир қалъасининг ярим қоронғи ертўлаларидан бирини улар қалбаки пул ясаш устахонасига айлантириб олган эдилар. Тасодифан уларнинг суҳбатини эшитиб қолган мактаб директори Григорьев уларнинг қабиҳ ишларидан воқиф бўлади. Сирлари Григорьевга маълум бўлиб қолганлигини сезган Мирзаев уни ўлдиради.

Бу қотиллик ўз бўйнига тушиб қолишдан қўрққан Қурбонов терговчига бор гапни айтиб бермоқчи бўлади. Қурбонов ҳаммани тутиб беришини сезиб, Мирзаев иккинчи, кейинроқ эса учинчи қотилликка қўл уради.

Энг сўнгги дақиқаларгача воқеа иштирокчилари учинчи қурбон — Ички ишлар министрлиги ходими Ботир Иброҳимов эканлигидан беҳабар эдилар. У посёлкага махсус топшириқ бўйича юборилган эди. Айни шу Иброҳимов жиноятчиларнинг изига тушишга муваффақ бўлди. Бироқ иш пачавалигини пайқаб қолган Қудрат Мирзаев уни алдаб тузоққа илинтирди ва ўлдирди.

Жиноятлар сири очилиши учун қанчалик жасорат, топқирлик ва сабр-бардош лозим бўлмади, дейсиз.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«Главташкентстрой»нинг «Жилстрой» трестига қарашли янги ташкил этилган

40-БОШ ПУДРАТ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

катта прораб, прораб, мастер вазифасида ишлаш учун тажрибали инженер-қурувчилар; табелчи, электр пайвандчилар, монтажчилар, бетончилар, дурадгорлар, техника хавфсизлиги бўйича инженер

К Е Р А К

Ёлғизларга ётоқхона берилади, оилалилар эса навбат асосида уй билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ЖИЗЗАХ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ТЕХНИКУМИ

кундузги бўлимга қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

пайвандлаш ишлаб чиқариши технологияси, қишлоқ хўжалик машиналари, чорвачиликни механизациялаштириш ва электрлаштириш, автомобиль транспорти эксплуатацияси.

Аризалар 8—10-синф ҳажмида маълумотли ёшлардан 15 августгача Жиззах электромеханика техникумида қабул қилинади.

СИЗ ОШХОНАНГИЗНИ ТОШКЕНТ «ОШХОНА ВА БОШҚА ХИЛ МЕБЕЛЛАР» ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ГАРНИТУР БИЛАН

ТЕЗ ВА ШИНАМ

ЖИҲОЗЛАШИНГИЗ МУМКИН.

Ташхозкультторг магазинларида ошхона мебелини сотиш бўйича хизмат кўрсатишнинг янги прогрессив формаси ташкил қилинган:

БУНДА НАМУНАСИ КЎРСАТИЛГАН ГАРНИТУРЛАРДАН ТАНЛАГАНИНГИЗНИ БЕВОСИТА ТАЙЁРЛОВЧИ-ЗАВОДДАН УЙИНГИЗГА ЭЛТИБ БЕРИЛАДИ.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

10 — Фарҳод ярмаркаси;
14 — Қўйлиқ, 4-массив, 21-уй;
20 — Трактор заводи, 2-турар жой массиви;
28—Оқтепа майдони;
50 — Сельмаш кўчаси, 1-уй;
63 — Б. Хмельницкий кўчаси.

ХАРИДИНГИЗ ХАЙРЛИ БЎЛСИН!

Ташхозкультторг.

«Узторгреклама» телепрессагентлиги.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
200-ЎРТА-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1980—81 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига 8—10-синфни тамомлаган, 14—15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ҳунар-техника билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича «Миконд» заводи учун кадрлар тайёрлайди: радиодеталларни йиғувчилар (қизлар), радиодеталь контролёрлари (қизлар), токарлар (қизлар ва йигитлар), слесарь-асбобсозлар, фрезерчилар (қизлар ва йигитлар), электр монтажчилар, хрусталь буюмларини пардозловчилар (қизлар ва йигитлар), технология ускуналарини созловчи-слесарлар, приборчилар.

Ўқиш муддати — 1 йилдан 3 йилгача.

Бир йиллик ўқиш пайтида ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўмдан 70 сўмгача стипендия берилади. Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ҳарбий хизматчилар корхона ҳисобидан қўшимча 46 сўм стипендия оладилар. 3 йиллик ўқиш пайтида ўқувчилар 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ўқувчилар олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: директор номига ариза, автобиография, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), иш жойидан ёки ўқиш жойидан характеристика, олтита фотосурат (3х4 см.).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Оқтепа массиви, 160-уй (2, 6, 7, 12, 14-троллейбусларнинг «Халқлар дўстлиги» метро станцияси, 69-автобуснинг «Олмазор» кўчаси бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

85-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

8—10-синф ҳажмда маълумотлиларни тўқувчи, йигирувчи, ремонтчи-слесарлар, калаваловчи, тандаловчи, тикув ишлаб чиқаришининг мастер ёрдамчилари группаларига

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати —4, 6 ой ва бир йил.

Ўқувчиларга ойига 70 сўм ҳажмида стипендия, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 проценти тўланади, Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган йигитларга ойига 80 сўм стипендия ва озиқ-овқат берилади.

Билим юртида олий ўқув юртларига кириш учун бепул тайёрлов курси, гувоҳнома берувчи бепул бичиш-тикиш курслари ташкил этилган. Яхшигина спорт базаси, жумладан қишки сузиш бассейни, вокал чолғу ансамбли, ҳаваскорлик киностудияси бор.

Бошқа шаҳардан келганларга шинам ётоқхона берилади.

Машғулотлар— 1 сентябрдан бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида гувоҳнома; медицина справкаси.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Фрунзе района, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3-автобусларнинг «Билим юрти» бекати). Телефон 53-39-01.

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8—10-синф битирувчиларини

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

УСКУНАЛАР МОНТАЖИ ВА РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЕР, ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, ФРЕЗЕРЧИ-УНИВЕРСАЛ, ЭЛЕКТРПАЙВАНДЧИ, ЙИҒУВЧИ-СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, АСБОБСОЗ-СЛЕСАРЬ, ЙЎНУВЧИ-СИЛЛИҚЛОВЧИ.

Ўқиш муддати: 8-синфни битирганлар учун —3 йил, 10-синфни битирганлар учун — 1 йил.

Ўқиш даврида ўқувчиларга стипендия тўланади, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 проценти тўланади (10-синфни битирганлар), **бепул уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва практика давридаги иш ҳақининг 33 проценти** (8-синфни битирганлар) **берилади.**

Турли хил бадиий ҳаваскорлик ва техника ижоди тўгаракларида ҳамда спорт секцияларида ҳар ким ўз кўнглига ёққан машғулоти билан шуғулланиши мумкин.

Билим юртида 50 метрли тир, спорт зали, ўйин ва гимнастика майдончаларидан иборат яхши жиҳозланган спорт комплекси, ҳайдовчилик машғулотлари учун шароит мавжуд.

Билим юртида отиш, бокс, курашнинг барча турлари бўйича ихтисослашган спорт группалари ташкил этилади.

Спорт группаларининг ўқувчилари кучайтирилган овқат, спорт формаси ва инвентари билан таъминланадилар.

Битирувчилар Тошкент авиация бирлашмасига ишга юбориладилар. Улар бирлашма ходимлари учун кўзда тутилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 6 та фотосурат (4х5 см, ихтисослашган группаларга кирувчилар учун классификацион билет).

Ҳужжатлар 28 августгача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза района, Лисунов кўчаси, 1-квартал, 82 «а»-уй — 61-мактаб ёнида (48, 80-автобусларнинг сўнгги бекати, 30-автобус, 29-трамвайларнинг «Ётоқхона» бекати).

Бирлашманинг кадрлар бўлими биносида жойлашган қабул комиссияси соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Адрес: Воровский кўчаси, 1-квартал, Лисунов кўчаси, 61-мактаб.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ГРАЖДАНЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР, КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ

Д И Қ Қ А Т И Г А !

Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент области районларида яшайдиган аҳолига қулайлик яратиш мақсадида

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ СОЮЗИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТАЙЁРЛОВ-ЖЎНАТУВ БАЗАСИ

ОТЛАР, ЙИРИК ВА МАЙДА ШОХЛИ ҚОРА МОЛЛАР, ЧЎЧҚАЛАР, УЙ ПАРРАНДАЛАРИ ҲАМДА ҚУЕНЛАРНИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА СЎЙИБ БЕРАДИ.

Қора моллар қуйидаги адресга жойлашган қушхоналарда сўйилади:

Киров района, Татар посёлкаси, 38-уй;
Октябрь района, Лангар кўчаси, 12-тупик, 6-уй;
Қорасарой кўчаси, 127-уй.

Қора моллар сўйиш учун қушхоналарда қабул қилинади ва уйга бориб сўйиб берилади.

Қора мол қушхонада сўйилганда унинг терисига 7 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Саъдий кўчаси, Прохладний проезди, 2-уй, (18, 58-автобуслар, 15-троллейбуснинг «Ўзгариш» бекати). Телефонлар: 53-10-33, 53-10-24.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНЛАРИ

ЧОПҚИР ОТЛАР ПОЙГАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Отчопарда: тотализатор, буфет, аттракцион, от прокати ишлайди.

Метронинг «Собир Раҳимов» станциясидан автобуслар қатнайди.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

46-ШАҲАР КЕЧКИ-СМЕНАЛИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1980—1981 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

Ўқувчилар қабул қилади

РАДИОТЕЛЕМЕХАНИК (ҳақ тўланадиган группа, тамомлагандан сўнг исталган томонга бориладн), ТЕЛЕГРАФЧИ, ТЕЛЕФОНЧИ, ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЛИНИЯ ВА АБОНЕНТ ҚУРИЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТЁР, КАБЕЛЧИ-ПАЙВАНДЧИ (стипендия —56 сўм).

ТЕЛЕГРАФЧИ ВА ТЕЛЕФОНЧИЛАР (қизлар) 16 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР, ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЛИНИЯЛАР ВА АБОНЕНТ ҚУРИЛМАЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТЕРЛАРИ, КАБЕЛЧИ-ПАЙВАНДЧИЛАР, 17 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртига Тошкент шаҳри ва областида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР ЙИЛ, ТЕЛЕФОНЧИЛАРГА —6 ОЙ.

Ўқувчилар билим юртини тамомлаганларидан сўнг (радиотелемеханиклардан мустасно) базадаги корхоналарга ишга юбориладилар.

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН ВА ГРУППАЛАР ТУЗИЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги ҳужжатлар керак: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, автобиография, турар жойидан ва медицина справкалари (286-форма); 4 та фотосурат (3х4 см).

Бизнинг адрес: 700015, Ленин района, Кафанов кўчаси 51-уй (8, 9, 10, 24- трамвайлар, 9-автобуснинг «Кафанов кўчаси» бекати; 2, 5-трамвайлар, 2, 3, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). Телефон: 56-58-87.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети СССР 50-йиллиги номли Тошкент трактор заводи базасидаги

ТОШКЕНТ ШАҲАР 176-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

автослесарь (электрокара ҳайдовчиси ихтисоси билан). Ўқишни битиргач ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади. Ётоқхона берилмайди; **электромеханик, электр-газ пайвандчи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, техника контроли бўлими контролери.** Фақат қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил; **универсал фрезерчи.** Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил; **силлиқловчи.** Ўқиш муддати — 1 йил. Стипендия тўланади; **электр кўприкли кранларнинг машинисти.** Ўқиш муддати 1 ва 3 йил. Асосан қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати 1 йиллик группаларда стипендия тўланади; **пресслаш ускуналари оператори** (прессчи). Ўқиш муддати— 1 йил. Стипендия тўланади; **синовчи-тракторчи** (механика-йиғув ишлари слесари малакаси билан— ўқишни битиргач ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади). Ўқиш муддати — 1 йил; **темирчи.** Ўқиш муддати — 1 йил; Стипендия тўланади; **электр пайвандчи.** Ўқиш муддати — 1 йил; **универсал токарь.** Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил; **дурадгор.** Ўқиш муддати— 1 йил.

Билим юртини битирганлар тўлиқ ўрта маълумот ва ихтисос тўғрисида диплом оладилар ҳамда олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, махсус иш кийими, эҳтиёжи бўлганлар секция типидаги ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш даврида ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг бир қисми берилади.

Билим юртида яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналар, спорт зали, бассейн бор. 6 тўгарак ва 11 спорт секцияси ишлайди. Эстрада, духовой ва миллий ансамбллар бор. Ёзги каникул даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида спорт-соғломлаштириш лагери мавжуд.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, автобиография, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида ҳужжат, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва 286-формадаги медицина справкалари, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, характеристика.

Аризалар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700117, Тошкент шаҳри, 1-Ташавтомаш массиви.

ТОВАРЛАР— ХАЛҚҚА!

«СЛАВА» ПАНД БЕРМАЙДИ

ҚЎНҒИРОҚЛИ ЭЛЕКТРОН-МЕХАНИК «СЛАВА» БУДИЛЬНИК СОАТИ СИЗНИ ИШГА УЙҒОТАДИ, УЧРАШУВ ПАЙТИНГИЗНИ ЭСЛАТАДИ.



«СЛАВА» механизмлари пухта, «Марс» типидаги стандартли батареяси — 373 элемент будильник «умрини» бир йилга узайтиради.

Будильникнинг корпуси тилла, кумуш суви юритилган ёки қимматбаҳо ёғочдан тайёрланган бўлиб, унинг ёрқин миллари квартира, хизмат хонасига файз киритади.

Москва иккинчи соат заводи.
Телепрессторгреклама.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

8 АВГУСТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.10 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 17.40 «Поэзия». 18.20 Е. Сорокина ва халқаро конкурс лауреати А. Бахчиев (фортепьяно) чалади. 18.40 Киевлик мактаб ўқувчиларининг бадиий гимнастика бўйича жаҳон мутлақ чемпиони И. Дерюгина билан учрашуви. Киевдан олиб кўрсатилади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Мен буни қотиллик деб атаймак». «Бизнес оламида» туркумидан. Сиёсий шарҳловчи В. Дунаевнинг кириш сўзи билан бошланади. 20.25 «Бўлинган осмон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время» 22.05 «Эрмитаж». Живопись. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 Санъат усталарининг концерти.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Балет лавҳалари». Фильм-концерт. 23.30 «Васнецов музейи». 23.50 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг катта симфоник оркестри Қ. Қораев асарларини ижро этади. 00.40 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сеҳрли сандиқ». Қўғирчоқ фильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Учинчи меҳнат семестри» (рус.). 19.00 «Совет кишисига аъло хизмат кўрсатайлик». Тошкент Марказий универсал магазини меҳнаткашларининг ташаббуси ҳақида 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшлар телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 А. Навоий номли Давлат академик Катта театрининг солисти М. Тангрибердиева ва Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг солисти М. Қозоқбоев концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Оламда нима гап?». Халқаро воқеалар шарҳи. 23.35 «Стартда — Ўзбекистон ёшлари». Бутуниттифоқ физкультурачилар кунига бағишланган кўрсатув.

9 АВГУСТ — ШАНБА
БУТУНИТТИФОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Гусельки» болалар ансамблининг концерти. 10.40 «Бўлинган осмон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.45 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.15 «Спортлото» тиражи». 12.30 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 13.05 «Москвичка». Телевизион клуб. 14.15 «Бугун— Физкультурачилар куни». СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси С. П. Павловнинг сўзи. 14.30 «Порлоқ қуёшни каршилаб». Концерт. 15.00 «Эрмитаж». Живопись. 15.30 «Дунё воқеалари». 15.45 «Ҳайвонот оламида». 16.45 «Ҳинд оҳанглари». Удаи Шанкар номли ҳинд маданият марказии рақс труппасининг чиқиши. 17.30 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.10 «Олимпиада, сен гўзалсан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.10 «Антоний ва Клеопатра». Евг. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. В. Шекспир пьесаси асосида. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР кубоги. Финал. «Динамо» (Тбилиси) —«Шахтёр» (Донецк). Кўрсатув тугагач (23.35)— Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.25 СССР халқ артисти Ю. Гуляев концерти. 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.55 Фарғона область Қува района Маданият уйи «Анор» ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти. 11.35 «Ботирлар». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 11.50 «Саҳро сири». Телевизион қўғирчоқ театрининг спектакли (рус.). 12.40 «Тренер». Бадиий фильм. 14.00 «Инсон ва қонун». 14.30 «Кинoредакция почтасидан». 18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Спортландия». Мультфильм. 18.30 «Гулғунча» ашула ва рақс болалар ансамблининг концерти. 19.10 «В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг 60 йиллигига. «Дўстлик фестивали». Телевизион киножурнал. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ҳамза номли республика Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Худойшукуров ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Р. Бозорбоева концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дўстларимиз маслаҳати». Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.20 Қурувчилар кунига. «Инсонни ардоқланг». Бадиий фильм. 1-серия.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Октябрятлар учун. «Ситорача». 18.45 Болалар учун фильмлар. «Салют, Виктория». «Лена Горинанинг бир куни». 19.15 «Бизнинг чемпионлар». Телефильм. 19.45 «Новости». 20.00 «Инсон, автомобиль, йўл» (тожик тилида). 20.25 «Ахбор». 20.50 Тожикистон ССР халқ артисти Н. Раҳматова куйлайди.

---

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ бет

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41, ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32 хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

8 АВГУСТ, 1980 й. Р—16509. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2140.